


Нью Йоркнинг Асториа шаҳридаги масжидда баланд овозда азон чақирилишига рухсат берилди



17:00 / 03.04.2023 1008

Асториялик Рана Абдулҳамид исмли мусулмон қиз шаҳар масжидида баланд овозда азон чақирилиши учун расмий гувоҳнома олишга эришди. У бу ҳақда ўзининг twitter саҳифасида маълум қилди.

29 ёшли Рана Абдулҳамид бир неча ташкилотларга асос солган. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўзи улғайиб ўсган, Нью Йоркнинг Асториа шаҳрида жойлашган, 1993 йилда очилган «Dar Al-Dawah» масжидида илк бор баланд овозда азон садолари чақирилишига рухсат берилди.

«Жамоамиз аъзолари ва маҳаллий етакчилар билан бирга биз бу нарсага эришдик. Рамазон ойида бундай янгилик бизни жуда ҳам хурсанд қилди» дейди Рана Абдулҳамид.

«Маълумот ўлароқ, мусулмонлар кунига 5 маҳал намоз ибодатини адо этишади ва ҳар бир намоз олдидан баланд овозда азон чақирилади. Бу рухсатнома биз учун узоқ кутилган ўзгариш бўлди» деб ёзади у facebook тармоғида.

Америкада мусулмонлар сони кунда-кунга ўсиб бормоқда. Хусусан, Нью Йорк штатининг ўзида мусулмонларнинг сони 750,000дан ошди. Ўзаро ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлашлар натижасида улар кўплаб ютуқларга

эришмоқда. Жумладан, АҚШда масжидлар сони 2000 йилдан буён деярли 2,5 баробарга ўсди. Ҳозирда у ерда 2700дан ортиқ масжидлар фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, кўплар ресторан ва дўкон тармоқлари махсус ҳалол таомномалар ва савдо расталарини йўлга қўйишмоқда.